

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2023 йил июнь ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида бўлиб,

Раислик қилувчи: Х.Холиқов,

судья ёрдамчиси О.Кобуловнинг котиблигида, тарафлардан Ёзёвон туман прокурори ёрдамчиси А.Абдусатторов, жиноят содир этган вақтда вояга етмаган судланувчи Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровларнинг ҳимоячиси - адвокат Ш.Зокиров ҳамда қонуний вакиллари Х.Шокиров, Қ.Боротов ва Р.Азимқорчиевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан Солижонов Хушнудбек Хайрулло ўғли, Тоштемиров Мухаммадали Қобилжон ўғли ва Эгамёров Оятилло Рустам ўғлиларни айблаш ҳақидаги 1-1510-2301/104-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

1. Солижонов Хушнудбек Хайрулло ўғли, 2005 йил 24 март куни Ёзёвон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, уйланмаган, маълумоти тугалланмаган ўрта-махсус, Ёзёвон тумани 1-сонли касб-хунар мактаби 2-босқич талабаси, муқаддам судланмаган, Ёзёвон тумани, Хонобод МФЙ, Ғ.Ғулом кўчаси, 43-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 2 май куни олган.

2. Тоштемиров Мухаммадали Қобилжон ўғли, 2005 йил 10 апрель куни Ёзёвон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, уйланмаган, маълумоти тугалланмаган ўрта-махсус, Ёзёвон тумани 1-сонли касб-хунар мактаби 2-босқич талабаси, муқаддам судланмаган, Ёзёвон тумани, Ёшлик МФЙ, Мевазор кўчаси, 4-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 2 май куни олган.

3. Эгамёров Оятилло Рустам ўғли, 2005 йил 22 май куни Ёзёвон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, уйланмаган, маълумоти тугалланмаган ўрта-махсус, Ёзёвон тумани 2-сонли касб-хунар мактаби 1-босқич талабаси, муқаддам судланмаган, Ёзёвон тумани, Ёшлик МФЙ, Сохибқирон кўчаси, 24-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 2 май куни олган.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини тинглаб,



жиноят ишидаги далилларни ҳар томонлама, атрофлича, тўла ҳолисона текшириб чиқиб ва баҳолаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи вояга етмаган Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровлар бир гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктириб, такроран, уй-жойга ғайриқонуний равишда киришиб, ўғирлик, яъни ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этишган.

Яъни, вояга етмаган О.Эгамёров жиний шериклари вояга етмаган М.Тоштемиров ва Х.Солижоновлар билан 2023 йил 20 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уйга, уйнинг дарчаси орқали ғайриқонуний равишда киришиб, ушбу жойда турган, А.Дадабоевга тегишли бўлган 460.000 сўмлик 13 дона лампочкаларни, 780.000 сўмлик 60 дона разведкаларни, 312.000 сўмлик 24 дона выключателларни, 5.200.000 сўмлик 4 дона газ ҳисоблагичларни, 650.000 сўмлик 1 дона электр тўки ўтказгич қурилмасини, 1.920.000 сўмлик 2 дона электр ҳисоблагичларни ҳамда 1.500.000 сўмлик 2 та ўрамдаги кабелларни, жами баҳоси 10.822.000 сўмлик мулкларни яширин равишда талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинишган.

Бундан ташқари, вояга етмаган О.Р.Эгамёров, М.Тоштемиров ва Х.Х.Солижоновлар, такроран, 2023 йил 23 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уй олдидаги ишчилар кўчма уйчасига, уйчанинг темир эшигини бузиш йўли билан, ғайриқонуний равишда киришиб, ушбу жойда турган, М.Мўминжоновга тегишли бўлган 3.500.000 сўмлик 1 дона акфа кесиш мосламаси, 2.000.000 сўмлик 1 дона метал тешиш ускунаси, 1.500.000 сўмлик 1 дона болгарка ускунаси, 200.000 сўмлик электр жиҳозларини, жами 7.200.000 сўмлик мулкларни яширин равишда талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинишган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида, 9 дона лампочкалар, 2 дона болгарка 1 дона перефаратор, электр ўтказиш мосламаси, 1 дона электр ҳисоблагич ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи Х.Солижонов судда, айбига иқроп бўлиб, Ёзёвон туман Юқори Сойбўйи маҳалласида жойлашган 1-сонли касб-ҳунар мактабида ўқишини, шериклари М.Тоштемиров ва О.Эгамёровлар билан 2023 йил 20 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уйга дарчаси орқали киришиб, у ерда турган 13 дона лампочкаларни, 60 дона разведкаларни, 24 дона выключателларни, 4 дона газ ҳисоблагичларни, 1 дона электр тўки ўтказгич қурилмасини, 2 дона электр ҳисоблагичларни ҳамда 2 та ўрамдаги кабелларни ўғирлашиб, 2023 йил 21 март куни соат тахминан 10:00 да мазкур ўғирлик йўли билан қўлга киритган 13 дона лампочкаларни, 60 дона разведкаларни, 24 дона выключателларни, 4 дона газ ҳисоблагичларни ва 2 та ўрамдаги кабелларни Ёзёвон тумани, Сойёни МФЙ ҳудудидаги савдо дўконида ишловчи А.Ҳомидовга



нарсаларни ўғирлик билан қўлга киритганлиги ҳақида айтмай, 230.000 сўмга сотиб юбориб, сотувдан тушган пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишгани, бундан ташқари, 2023 йил 23 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Соибўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уй олдидаги ишчилар кўчма уйчаси темир эшигини бузиб киришиб, ушбу жойда турган 1 дона акфа кесиш мосламаси, 1 дона метал тешиш ускунаси, 1 дона болгарка ускунаси, электр жихозларини ўғирлашиб, ушбу мулкларни Ёзёвон тумани, Ёшлик МФЙ ҳудудида, С.Ўлдашевга нарсаларни жиноий йўл билан қўлга киритганлиги ҳақида айтмай, 750.000 сўмга сотиб юбориб, пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишганини баён қилиб, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни қоплашганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Тоштемиров судда, айбига иқрор бўлиб, Ёзёвон туман Юқори Соибўйи маҳалласида жойлашган 1-сонли касб-ҳунар мактабида ўқишини, синфдоши Х.Солижонов ва О.Эгамёров билан гаплашиб ўтирганларида, Х.Солижон Ёзёвон туман, Юқори Соибўйи маҳалласида жойлашган янги қурилатган кўп қаватли уйларнинг ичида қурилиш материаллари ва анжомлари қаровсиз турганини айтиб, ўғирлик қилиб, ўғирланган қурилиш материалларини сотиб, пулини бўлишиб олишларини айтганини, кейин учовлари 2023 йил 20 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Соибўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уйга дарчаси орқали киришиб, у ерда турган 13 дона лампочкаларни, 60 дона разведкаларни, 24 дона выключателларни, 4 дона газ ҳисоблагичларни, 1 дона электр тўки ўтказгич қурилмасини, 2 дона электр ҳисоблагичларни ҳамда 2 та ўрамдаги кабелларни ўғирлашиб, эртаси куни соат 10:00 ларда мазкур ўғирлик йўли билан қўлга киритган 13 дона лампочкаларни, 60 дона разведкаларни, 24 дона выключателларни, 4 дона газ ҳисоблагичларни ва 2 та ўрамдаги кабелларни Ёзёвон тумани, Соибўйи МФЙ ҳудудидаги савдо дўконида ишловчи А.Ҳомидовга нарсаларни ўғирлик билан қўлга киритганлиги ҳақида айтмай, 230.000 сўмга сотиб юбориб, пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишгани, бундан ташқари, 2023 йил 23 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Соибўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уй олдидаги ишчилар кўчма уйчаси темир эшигини бузиб киришиб, ушбу жойда турган 1 дона акфа кесиш мосламаси, 1 дона метал тешиш ускунаси, 1 дона болгарка ускунаси, электр жихозларини ўғирлашиб, воқеа жойидан яширинишгани, ушбу мулкларни Ёзёвон тумани, Ёшлик МФЙ ҳудудида, С.Ўлдашевга нарсаларни жиноий йўл билан қўлга киритганлиги ҳақида айтмай, 750.000 сўмга сотиб юбориб, пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишганини баён қилиб, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни қоплашганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи О.Эгамёров судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, Ёзёвон туманидаги 2-сонли касб-ҳунар мактабида ўқишини, 2023 йил март ойининг бошларида, 2-сонли касб-ҳунар мактабига кетаётган вақтида, Ёзёвон тумани,



Ёшлик МФЙ ҳудудидаги нонвойхонада синфдоши М.Тоштемиров нонвой хонада турганлигини кўриб, унинг олдида борганини, шунда М.Тоштемиров унга нонвойхона бир четида турган лампочка, резведка, вкучичатор, патронларни кўрсатиб, уларни Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасидаги янги қурилиши тугалланмаган бинолардан ўғрилиқ йўли билан лампочка, резведка, выключатор, патронларни Х.Солижонов иккаласи биргаликда ўғирлаб олиб келганлигини айтганини, ушбу нарсаларни сотишда ёрдам беришини сўраганида у Сойёни маҳалласида жойлашган қурилиш моллари савдо дўконида сотувчи бўлиб ишловчи унга таниш бўлган “Абдуллоҳ” исмли йигитга ўғирлаб чиқилган 10 дона лампочка, вкучичатор, патронларни ўзини яшаш хонадонидан ошиб қолганларини, олиб келаётганлигини айтиб, 230.000 сўмга сотиб юборганини, бундан ташқари, М.Тоштемиров ва Х.Солижоновлар билан биргаликда 2023 йил 23 март куни тунда соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, ҳудудида бўлган кўп қаватли уйларани олдида бўлган қурилиш молларини сақлашга мўлжалланган атрофи туникадан бўлган вагонни олдида келишгани, шу вақтда у улар ўғрилиқ қилишмоқчи бўлиб боришган жойга одамлар кўриб қолишини назорат қилиб турмоқчи бўлиб, 10-15 метр узоқликда қараб тургани, шундан сўнг, Х.Солижонов ва М.Тоштемировлар вагон ичида бўлган 2 дона балгарка, бир дона перефаратор, проводка, выключатор, битта каробка патронларни ҳамда мантажний кабелларни ўғирлаб чиқишиб, нарсаларни Ёшлик МФЙ ҳудудида С.Йўлдашевга жиноий йўл билан қўлга киритганлиги ҳақида айтмай, 750.000 сўмга сотиб юбориб, пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишганини баён қилиб, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни қоплашганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи А.Дадабоев судда, ҳақиқатдан ҳам у, 2022 йил баҳор фаслидан буён Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида, аҳолини фуқароларни қулай шарт-шароитларда яшашлари учун кўп қаватли уй-жойларни қурилишида раҳбарликни бошлаганини, 2023 йил 21 март куни иш бошқарувчиси унга ноъмалум шахслар, у қураётган Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уйга, унинг дарчиси орқали ғайриқонуний равишда киришиб, ушбу жойда турган, унга тегишли бўлган 460.000 сўмлик 13 дона лампочкаларни, 780.000 сўмлик 60 дона разведкаларни, 312.000 сўмлик 24 дона выключателларни, 5.200.000 сўмлик 4 дона газ ҳисоблагичларни, 650.000 сўмлик 1 дона электор тўки ўтказгич қурилмасини, 1.920.000 сўмлик 2 дона электор ҳисоблагичларни ҳамда 1.500.000 сўмлик 2 та ўрамдаги кабелларни, жами баҳоси 10.822.000 сўмлик мулкларни ўғирлаб кетишганини айтганини, кейин улар ҳолат юзасидан ИИБга хабар беришганини баён қилиб, ҳозирда судланувчилар томонидан унга етказилган моддий зарар қопланганини билдириб, судланувчи Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровларга енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи М.Мўминжонов судда, ҳақиқатдан ҳам у, 2023 йил 24 март куни Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уй олдидаги қурилиш ишлари олиб борилаётган жойга келган вақтида, ушбу ерда бўлган қурилиш молларини



сақлашга мўлжалланган атрофи туникадан бўлган вагонни кулфини бузиш йўли билан вагон ичкарасидаги унинг ўзига тегишли бўлган 3.500.000 сўмлик 1 дона акфа кесиш мосламаси, 2.000.000 сўмлик 1 дона метал тешиш ускунаси, 1.500.000 сўмлик 1 дона болгарка ускунаси, 200.000 сўмлик электор жиҳозларини, жами 7.200.000 сўмлик мулкларни ўғирлаб, олиб кетишганлигини билганини, кейин улар ҳолат юзасидан ИИБга хабар беришганини баён қилиб, ҳозирда судланувчилар томонидан унга етказилган моддий зарар қопланганини билдириб, судланувчи Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровларга енгиллик беришни сўради.

Шунингдек судланувчи Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровларнинг айби: ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар билан (6-13 и.в.), ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённома билан (31-34 и.в.), гувоҳ И.Мирзахакимов, А.Хомидов, Н.Махмуталиев, А.Болтабоев, Х.Тошалиев, Х.Набиев, С.Йўлдошев ва Х.Рахмоналиевларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари билан (77-84, 92-103, 110-121 и.в.) ҳам тасдиқланади.

Суд, судланувчи Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровларнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровларнинг содир этган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи вояга етмаган Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровлар бир гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктириб, такроран, уй-жойга ғайриқонуний равишда киришиб, ўғирлик, яъни ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этишган:

- яъни, вояга етмаган О.Эгамёров жиноий шериклари вояга етмаган М.Тоштемиров ва Х.Солижоновлар билан 2023 йил 20 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уйга, уйнинг дарчаси орқали ғайриқонуний равишда киришиб, ушбу жойда турган, А.Дадабоевга тегишли бўлган 460.000 сўмлик 13 дона лампочкаларни, 780.000 сўмлик 60 дона разведкаларни, 312.000 сўмлик 24 дона выключателларни, 5.200.000 сўмлик 4 дона газ ҳисоблагичларни, 650.000 сўмлик 1 дона электор тўки ўтказгич қурилмасини, 1.920.000 сўмлик 2 дона электор ҳисоблагичларни ҳамда 1.500.000 сўмлик 2 та ўрамдаги кабелларни, жами баҳоси 10.822.000 сўмлик мулкларни яширин равишда талон-торож қилишиб;

- бундан ташқари, вояга етмаган О.Р.Эгамёров, М.Тоштемиров ва Х.Х.Солижоновлар, такроран, 2023 йил 23 март куни соат 23:00 ларда Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Янги Ўзбекистон кўчасида жойлашган қурилиши битмаган кўп қаватли уй олдидаги ишчилар кўчма уйчасига, уйчанинг темир эшигини бузиш йўли билан, ғайриқонуний равишда киришиб, ушбу жойда турган, М.Мўминжоновга тегишли бўлган 3.500.000 сўмлик 1 дона акфа кесиш мосламаси, 2.000.000 сўмлик 1 дона метал тешиш ускунаси, 1.500.000 сўмлик 1 дона болгарка ускунаси, 200.000 сўмлик электор жиҳозларини, жами



7.200.000 сўмлик мулкларни яширин равишда талон-тарож қилишиб, жиноят содир этишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги ҳақида, 3-бандида жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керакли ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб:

- судланувчи Х.Солижоновга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, унинг ёшлиги, муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини ҳамда у мазкур жиноятни содир этган вақтида вояга етмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57 ва 82 моддаларини қўллаб, жарима жазоси тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишини ва гаровга қўйилган пулларни гаровга қўювчига қайтаришни;

- судланувчи М.Тоштемировга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, унинг ёшлиги, муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини ҳамда у мазкур жиноятни содир этган вақтида вояга етмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57 ва 82 моддаларини қўллаб, жарима жазоси тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишини ва гаровга қўйилган пулларни гаровга қўювчига қайтаришни;

- судланувчи О.Эгамёровга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, унинг ёшлиги, муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини ҳамда у мазкур жиноятни содир этган вақтида вояга етмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57 ва 82 моддаларини қўллаб, жарима жазоси тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишини ва гаровга қўйилган пулларни гаровга қўювчига қайтаришни лозим топади.



Бундан ташқари, судланувчи Х.Солижонов, М.Тоштемиров ва О.Эгамёровлар мазкур жиноятни вояга етмаган вақтларида содир этганлигини, ҳукм эълон қилинган кунда улар вояга етганликларини эътиборга олиб, суд, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 563-моддасига асосан жамоат тарбиячиси тайинлаш масаласини суд муҳокамасидан чиқарди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, дастлабки терговда 13 дона лампочкаларни, 1 дона электр ўтказгич қурилмасини, 2 дона электр ҳисоблагичларни, 1 дона металл тешиш ускунасини, 2 дона болгарка ускунасини ва 1 дона перефараторни тилхат асосида қонуний эгаларига қайтарилганлигини эътиборга олишни лозим топади.

Шунингдек суд, жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарлар бартараф этилганлигини эътиборга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 467-468, 471-473 ва 476-моддаларига асосланиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и :

1. Солижонов Хушнудбек Хайрулло ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилсин.

Солижонов Хушнудбек Хайрулло ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 82-моддасига асосан, жиноят содир этилган вақтдаги, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида 3.000.000 (уч миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Солижонов Хушнудбек Хайрулло ўғлига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.000.000 (олти миллион) сўм гаров пуллари гаровга қўювчи Шокиров Хайрулло Солижоновичга қайтарилсин.

2. Тоштемиров Мухаммадали Қобилжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилсин.

Тоштемиров Мухаммадали Қобилжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 82-моддасига асосан, жиноят содир этилган вақтдаги, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида 3.000.000 (уч миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Тоштемиров Мухаммадали Қобилжон ўғлига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.000.000 (олти миллион) сўм гаров пуллари гаровга қўювчи Баротов Қобилжон Тоштемировичга қайтарилсин.



3. Эгамёров Оятилло Рустам ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилсин.

Эгамёров Оятилло Рустам ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 82-моддасига асосан, жиноят содир этилган вақтдаги, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида 3.000.000 (уч миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Эгамёров Оятилло Рустам ўғли нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.000.000 (олти миллион) сўм гаров пуллари гаровга қўювчи Азимқорчиев Донёр Эгамёровичга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, дастлабки терговда 13 дона лампочкалар, 1 дона электр ўтказгич қурилмаси, 2 дона электр ҳисоблагичлар, 1 дона металл тешиш ускунаси, 2 дона болгарка ускунаси ва 1 дона перефараторлар тилхат асосида қонуний эгаларига қайтарилганлиги эътиборга олинсин.

Жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарлар бартараф этилганлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкумлар ва жабрланувчилар эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Х.Холиқов

нусхаси аслига тўғри:

Х.Холиқов

